

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

# **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

## **ЎСИМЛИКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

## Бакалавриат 5410200 – Агрономия (дәхқончилик маңсулотлари бүйича)

йүналиши

## 4-46 гурүх талабаси

# АЗИЗОВА НАРГИЗА КОМИЛ ҚИЗИННИҢ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Сирдарё вилояти шароитида кузги арпа навлари  
мухим хўжалик белгиларини ўрганиш”**

## **Илмий раҳбар: Ўсимликшунослик кафедраси доценти**

Б.М.Азизов

## Ассистент

Б.А.Исройлов

**Иш күриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди.**

Үсүмликтүн осликка федраси мудири,  
доценти \_\_\_\_\_ Ж.Б.Худайқулов  
2017 йил “ ”

Агрономия факультети декани,  
доцент \_\_\_\_\_ Х.К.Алланов  
2017 йил“ ”

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I АДАБИЁТЛАР ШАРХИ .....</b>	<b>6</b>
1.1. Кузг арпанинг аҳамияти, системаикаси ва морфологияси...	6
1.2. Кузг арпанинг биологик ҳусусиятлари.....	15
<b>II ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ.....</b>	<b>21</b>
2.1. Тупроқ-иқлим шароити .....	21
2.2. Тажриба услуби .....	23
2.3. Арпа навлари тавсифи .....	25
2.4. Тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар.....	29
<b>III ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.....</b>	<b>33</b>
3.1. Кузги арпани ўсиши ва ривожланиши .....	33
3.2. Кузги арпанинг униб чиқиш динамикаси.....	38
3.3. Арпа навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлили.....	45
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....</b>	<b>53</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>54</b>

## КИРИШ

Фан ва техника тараққий этган асримизда мамлакатимизда молиявий инқирозга қарши чора - тадбирларниниг ишлаб чиқилғанлиги, агарар соҳага илғор замонавий инновацион технологиялар қўлланиши юқори самара берганлиги барчамизга бирдек аён десак ҳато қилмаган бўламиз. Сўнгги йигирма беш йилликда биринчи президентимиз И.А. Каримов ва Ўзбекистон хукумати ташаббуси билан ғалла мустақиллигига эришилғанлиги, юртимиз фуқаролари тинч ва обод мамлакатда, мўл - кўлчиликда ҳамда тўкин дастурхонга эга ҳолатда фаровон ҳаёт кечиришаётганлигини олий баҳт деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган ғаллачиликда бошоқли дон экинларидан бири арпадан мўл ҳосил етиштириш мамлакатимиз дехқончилигига муҳим страдегик аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда арпа сұғориладиган ва лалми ерларда етиштириледиган асосий ем-хашак экин бўлиб, озиқ-овқат саноатида ҳам кенг қўлланилади.

Республикамиз худудида экиш учун тавсия этилган ва Давлат реестрига киритилган барча арпа навлари селекционерларимиз томонидан яратилган. Бу навларининг биологик имкониятларидан тулиқ фойдаланиш билан бир қаторда, эртапишар, шўрга, қирғоқчиликка, иссиққа, қишига, ётиб қолишга ва касалликларга чидамли навлар яратиш борасида сслекцион ишларни амалга ошириш мақсадга мувоғик.

Илмий изланишлар, илғор хўжаликлар тажрибалари сұғориладиган майдонларда арпа ҳосилдорлигини 50—60 ц/ га, лалми майдонларда эса ҳосилдорликни 25—30 ц/га ва ундан ҳам ошириш имкониятлари мавжудлигини курсатмоқда. Аммо, кейинги йиштарда суюриледиган ерларда арпа ҳосилдорлиги гектаридан ўртacha 25—30 ц/га, лалми майдонларда 12—15 ц/га дан ошмаётганлиги аниқланди. Етиштирилаётган доннинг сифати эса кўп ҳолларда ем-хашак учун туғри келаётганлиги, пивобоплик ва озиқ-овқат (перриловка, арпа ёрмаси ва бошқалар) маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг талабларига жавоб бермаяпти.

Арпанинг уруғи 1—2° С — ҳароратда униб чиқади, майсалари қисқа муддатли - 8° С совуққа бардош беради. Донли экинлар орасида арпа ўта эртапишар, курғоқчиликка ва шўрланишга чидамли ўсимликдир. Арпа ўсимлиги кўпгина касалликлар билан заарланади. Улар орасида кўп заар етказадигани қоракуянинг турли хиллари (чанг, қаттиқ тошли), ун шудринг касаллиги, гельминтоспориоз (хол-хол- ли, чизиқли, тўрсимон), илдиз чириш касалликларидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясинининг 3.3- банди, яъни “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”га муофиқ, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш режалаштирилган. 2017 йилда пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш режалаштирилмоқда.

Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Танқидий таҳлил. Тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли асарида- Ҳалқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йилида Давлат дастурини амалга ошириш – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишдан иборат –деб таъқидлайди.

Арпа селекциясининг турли йўналишлари билан боғлиқ юқори ҳосилли, айниқса, интенсив технологияга мос навларни яратишидир. Бу хилдаги навлар қўшимча ҳосил олиш агротехникасига, жумладан, ўғитларнинг юқори дозаларига кетган харажатларни қоплаши керак. Ноқулай тупроқ-иклим шароитларида юқори ҳосил этиштириш навларнинг шу хил шароитларга чидамлилигига боғлиқ. Экинни парвариш қилиш ва ғосилни йиғиб олишда ётиб қолишга, дон тўкилишига бардошлиги муҳим аҳамичтга эга. Қилтиқлари янчиш жараёнида осонлик билан ажралиши керак. Шунинг учун арпанинг селекциясига катта эътибор бериш лозим. Ҳашаки (Ем-ҳашак)

ва ёрма йўналишларидаги арпа навлари пиво тайёрлаш учун қўлланиладиган арпадан кескин фарқ қиласди. Хашаки арпа ургининг таркибида кўп микдорда оқсил ва оқсил таркибида алмаштириб бўлмайдиган амнокислоталар (лизин, трифтопан, финилаланин) бўлиши муҳим хисобланса, ёрма тайёрлаш учун қимматли озуқабоблигидан ташқари арпа донининг технологик ва яхши таъмлилик кўрсаткичлари асосий ўрин тутиб, донни йирик, сариқ, ариқчаси саёз, бир текис бўлиши мақсадга муофиқ. Бундай арпанинг ёрмаси тезликда ва бир текис пишиши ва йқимли ҳидли ҳамда чхши таъм сифатларини таъминлайди.

*Илмий ишнинг мақсади.* Илмий ишнинг мақсади – Сирдарё вилоятининг суғориладиган ўртача шўрланган майдонларида бошоқли дон экинлари гуруҳига мансуб экинлар – арпа навларининг ўртача шўрланишга чидамлилиги, уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларини ўрганишдан иборат.

Шу мақсадга эришиш учун қуидаги вазифаларбажарилди:

- арпа навларининг ўртача шўрланган тажриба майдонида униб чиқиши, кўчат қалинлиги ва қишлош даражасини;
- экологик нав синаш майдонида экилган истиқболли арпа навларининг абиотик ва биотик омилларга чидамлилигини;
- арпа навларида юқори сифатли дон ҳосили кўрсаткичларини аниқлаш.

*Тадқиқот обьектлари:* Илмий тадқиқот ишлари 2012 - 2013 йиллар давомида Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида жойлашган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази филиалининг тажриба майдонида олиб борилди. Арпанинг 6 та нави нави.

## I. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

### 1.1. Кузг арпанинг аҳамияти, системаикаси ва морфологияси

Арпа қимматбахо экин ҳисобланади, у озиқ овқат ва ем-хашак, саноатда хом ашё сифатида ишлатилди. Арпа донидан арпа олинади бу жуда тўйимли ва тез ҳазм бўладиган овқат ҳисобланади. Ўсимликнинг биологик хусусиятлари, тезпишарлиги, шимолий минтақаларда ҳам экиш мумкинлиги, курғоқчиликка чидамлилиги ва шўрга чидамлилигига қараб юқори баҳо олинди. Шунинг учун, экологик қийин бўлган шароитда экишга бўлади.

Арпа донида “хом оқсил” миқдори 7 % дан 25 % гача бўлади мўртагида 26-36 % оқсил, эндоспермда 8-14 %, дон қобигида 7-10 % бўлади. Бошоқлаш даврида кўк массасида 1,8-3,5 % оқсил бўлади. Оқсил таркиби бир ҳил эмас: 7,5-28,8 % альбумин, 7-21,9 % глобумин, 15,6-46,4 % гордеин, -47,5 % глютелин бўлади. Оқсилсиз азотли бирикмалар 7,5-16,9 % ташкил қиласи. Донни оқсил йиғиндисида ўртacha: 3,35% лизин, 2,09 гистидин, 4,37 аргинин, 27,35 аспарагин кислотаси, 12,32 пролин, 1,17 цистин, 3,81 глицин, 4,10 аланин, 4,97 валин, 2,57 метионин, 3,61-изолейцин, 6,53-лейцин, 2,52-тирозин, 5,24-фенилаланин (2) бўлади. Арпа оқсил биологик тўйимлилиги паст 51,2%, сули билан солиштирганда сулида 83,4% ва буғдоидага 59,9% ни ташкил қиласи. Углевод миқдори 44-45% ни, асосан крахмал эгаллайди, шунинг учун бу пиво пишириш саноатида асосий хом ашё крахмалдан ташқари гемицеллюзоза, целлюзоза, декстрин ва пектин моддалари бор. Ёғ миқдори, (липид) 2,70 - 3,30 %. Донда бундан ташқари ферментлар, витаминалар-тиамин, рибофлавин, никотин кислотаси, каротин, тоқоферох(E) мавжуд.

Кузги арпа Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда кўп экилади. У асосан ем-хашак ва ёрма экини сифатида етиштирилади. Донида оқсил миқдори кам, шунинг учун пиво саноати учун яхши хом ашё.

Кузги арпанинг қишига чидамлилиги кузги буғдой ва кузги жавдарнидан паст. Шунинг учун унинг экилиши минтақалари чекланган.

Ўзбекистон кузги арпа оралиқ әкини сифатида озуқа учун ҳам етиштирилади. Кузги арпани монокорм сифатида етиштириш ем-хашак етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга. Суғориладиган ерларда кузги арпа беда учун қоплама әкин сифатида экилади. Қиши юмшоқ минтақаларда кузги арпа тарқалган. Унинг асосий әкин майдонлари Марказий Осиё, Кавказ орти, Украина, Россиянинг ва Қозоқистоннинг жанубида, Европа мамлакатларида жойлашган. Ўзбекистонда кўп йиллар кузги ва баҳори арпа майдонлари деярли тенг бўлган, ҳозирда суғориладиган ерларда асосан кузги арпа кенг тарқалган, баҳори арпа кўпинча қоплама әкин сифатида беда билан экилади.

Кузги арпа баҳори арпага нисбатан икки баравар серҳосил, аммо қишига чидамлилиги паст экани баҳори арпа ўрнига ҳам кузги арпа экиш имкониятини чеклайди.

Кузги арпа кузги буғдой, жавдар, тритикалега нисбатан эрта, Ўзбекистон шароитида жазирама иссиқлар, гармсел бошлангунча етилади. Шунинг учун тупроқ ва ҳаво қурғоқчилигидан кам заарланади. Кузги, қишки, баҳордаги намликладан яхши фойдаланади.

Дони йирик, таркибида оқсил миқдори кам бўлганлиги туфайли кузги арпа энг яхши пивобоп дон беради. Похоли, сомоннинг озуқавий қиммати юқори, 100 кг сомонида 33 озуқа бирлиги сақланади.

Тарихи. Н.И.Вавилов ва бошқа олимлар тарафидан арпанинг қуйидаги келиб чиқиш марказлари аниқланди.

- 1.Эфиопия (Абиссиния) маркази –барча мавжуд икки, олти қаторли арпа турлари, дони қобиқсиз, қилтиқли турхиллари мавжуд.
- 2.Шарқий-Осиё (Китай, Корея, Япония и области Тибета) маркази, -паст бўйли, зич калта бошоқли, калта қилтиқли ёки қилтиқсиз шакллари, олти қаторли қилтиқли ва қилтиқсиз ўсимтали турхиллари мавжуд.

3.Олд Осиё маркази-табииий шароитда вужудга келган бошоғини ранги ҳар хил, қилтигини узунлиги,бошоқнинг зичлиги ва бошоқ ўзагини бўғинларга бўлиниши бўйича турли шакллари мавжуд.

4.Ўрта денгиз - (Жанубий Африка, Миср, Тунис, Алжир) Паластин, Сирияда - дони йирик, касаликка чидамли озиқ овқатда ишлатиладиган арпа турларидан иборат.

5.Ўрта Осиё - Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистонда-иссиқликка, қурғоқчиликка чидамли, касаликка чидамсиз турлари экилиб- бу асосан ем-хашак йуналишидаги арпа ҳисобланади.

6.Овропа - Сибир маркази - тупроқни юқори кислоталигига чидамли арпа турлари эқилади, бу асосан пиво пишириш саноатининг асосий хомашёси ҳисобланади.

7.Шимолий ва Жанубий Америка маркази- бошқа минтақалардан келтирилган турлари, бу минтақа арпани келиб чиқишида энг ёши ҳисобланади. Бу минтақадаги арпа турлари ётиб қолишга чидамли, эрта пишар ва касаликка чидамлилиги билан ажралиб туради.Арпа экини қадимий экинлардан биридир.

Олдинги Осиёда, Ироқда, Нил соҳилида, Туркияни жанубида арпа бизнинг эрамиздан VIII-VII минг йил олдин экила бошланган. Бизнинг эрамиздан 3400 йил олдин Англияда, 2650 йил олдин Данияда, XУ1-XУ111 асрлардан бошлаб Америкада арпа янги экин бўлиб экила бошланган.ФАО нинг 2000 йил берган маълумотларига қараганда арпа майдони 55,7 млн/га, ҳосилдорлик 24,4 ц/га ни ташкил этгани маълум. Арпа дунёning кўпчилик районларида тарқалган ва экилиб келинмоқда.

Арпанинг турлари жуда кўп, шулардан биттаси *Hordeum sativum jess* - оддий (экма) арпа, қолган турларининг хаммаси ёввойи ўсимлик сифатида ўсади.

Маданий арпа бир йиллик ўсимлиқ хисобланиб, кузги хам баҳорги шаклларга эга, жуда йирик дон ҳосил қилиб, биринчи гурух донли ўсимликларга киради.

Бошоқчаларнинг бошоқ ўқида жойланишига қараб арпанинг маданий тури *Hordeum sativum* jess учта тур хилларига бўлинади.

*a) Кўп қаторли арпа - Hordeum Vulgare L тур хили.*

Бу ярим тур уз навбатида бошоғининг зичлиги бўйича икки гурухга булинади:

1. тўғри олти қаторли арпа *Hexastichum Z*, бошоги зич ва тула, бирмунча калтарок:

2. нотўғри олти қаторли арпа *Tetraplochum Korn*, бунда бошоқ зичлиги камрок бўлиб донларнинг жойлашиши тўғри ҳолда эмас. Бошоқни икки юз томонлари кенг, ён томонлари эса тордир.

Кўп қаторли арпалар бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида учта ривожланган бошоқчага эга. Улар биттадан учта дон ҳосил қиласди. Лекин ён томонидаги бошоқчаларда ўргадаги бошоқчага нисбатан дони майдароқ бўлади.

Тўғри олти қаторли арпада бошоқчалар текис, тўғри, вертикал қаторлар ҳосил қиласди, уларнинг бурчаклари бир хил бўлади. Дон бошоқ ўқи атрофида юлдузсимон шакл ҳосил қиласди, бу бошоқнинг кўндаланг кесимида яхши кўринади. Агарда доннинг учини тўғри чизик билан бирлаштирилса тўғри олтибурчак ҳосил бўлади.

Нотўғри олти қаторли арпада ўргадаги бошоқчалар бошоқ ўқига ёпишиб туради, ён томонидаги бошоқчалар бир бирига яқинлашиб уларнинг учлари бир бирига кириб туради. Бошоқ кўндаланг кесиб кўрилса ва бурчаклари бир бирига туташтирилса тўғри тўртбурчак ҳосил бўлади. Нотўғри олти қаторли арпанинг бошоқчалари зич жойлашмайди, тўғри олти қаторли арпада улар зич жойлашади.

*б) Икки қаторли арпа - Hordeum distichum L тур хили.* Бу икки қаторли арпа ўз навбатида икки гурухга бўлинади:

a) *Nutantes R Reg*, ён томони донсиз бошоқчалардан иборат булиб, бошоқча ва гул кобиклари мавжуд..

b) *Deficientia R Red*, ён томонига донсиз бошоқчалардан факат бошоқча кобиги мавжуд. Икки қаторли арпаларнинг ичида факат *Nutantia* гурухга мансублари экилиб, *Deficientia* гурухга мансублари кўпинча Кавказ орти туманларида аралашма ҳолда учрайди. Икки қаторли арпада ҳам бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида учтадан бошоқча ривожланади. Лекин фақат ўртадаги бошоқча дон ҳосил қиласди. Иккита ён томондаги бошоқчалар дон ҳосил қилмайди. Бу бошоқчалар мевасиз бошоқ ўқига ёпишган ҳолда туради. Шу сабабли икки қаторли арпаларда бошоқни юз томони энсиз, ён томони эса кенг бўлади. Бошоқда икки қатор бошоқчалар дон ҳосил қилгани учун икки қаторли *арпа дейилади*.

в) *Oralik arpa* - *intermedium Vav.Etosf.* Оралиқ арпанинг бошоқчалариниустунидаҳар қайсидаҳархилмиқдордабошоқчаларбўлиб, ҳархилмиқдордадонҳосилбўлади(1.2,3 та).

Илдизи. Арпа попуксимон илдиз тизимиға эга. Шундан дастлабкиси – муртак ва иккиламчиси – бўғим илдизлар ҳисобланади. Муртак илдизлар доннинг ичидаёқ ривожлана бошлайди, иккиламчи илдизлар эса – кейинрок, ер ости поя бўғимларида шаклланади. Илдизлар тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддаларни ўзлаштириб олади ва бутун ўсимликдаги модда алмашинувида иштирок этади. Етиштириш шароитларига боғлиқ равишда муртак илдизлар тезда нобуд бўлади ёки амал даврининг охиригача ўсади. Одатда, сув танқислиги шароитида муртак илдизлар яхши ривожланади ва тупроққа 1 м.гача кириб боради, иккиламчи илдизлар эса бундай шароитларда ривожланмайди. Сув билан яхши таъминланган шароитларда иккиламчи илдизлар кучли ривожланади. Бирламчи ва иккиламчи илдизлар сув ва унда эриган минерал моддаларни сўрувчи қисқа илдиз тукчалари билан қопланган бўлади. Арпада бир нечта муртак илдизча ривожланади. Икки қаторли арпада муртак илдизчалар қўп қаторли арпага нисбатан кўп

бўлади. Олимлар буни донининг йириклиги билан изоҳлайдилар. Илдизларнинг ўсиши ва ривожланиши етиштириш шароитига кўра турлича кечади. Лалми шароитида бошоқлаш давригача илдизларнинг тез ўсиши кузатилади. Суғориладиган шароитда эса бошоқлашдан то тўлиқ етилгунча илдиз ҳамда вегетатив вазнининг тез ортиши кузатилади.

Тупланиш бўғими ва пояси. Дастребки илдизлар иккиминчаликни эпикотил, яъни муртакнинг энг пастки поядан илдизга ўтадиган қисмидан ажралади. Дон майдаланганда эпикотил кўринмайди. Барча поячалар колеоптил деб аталувчи қалпоқча билан қопланган. Колеоптил биринчи барг-пояларни ҳимоя қиласи ва тупроқ қопламини ёриб чиқади. Поялар сони ўсимлик нави ва етиштириш шароитига боғлиқ. Пояси – ялангоч похол, унда бўғимлар ва бўғим оралиқлари мавжуд.

Арпанинг барча шакллари 45 см дан то 160 см гача баландликдаги пояга эга бўлади, аммо дунёнинг қурғоқчил Осиё қисмидан унинг пояси 15-20 см ни ташкил этади. Дунё коллекциясида арпа поясининг қалинлиги 1,7-6,5 мм чегарасида ўзгариб турди. Аксарият навларда пояси 5-8 та бўғимдан иборат бўлади. Юқориги бўғим оралиғи энг узун ва ингичка бўлади, бу эса кўпинча бутун ўсимликнинг ётиб қолишига олиб келади.

Барги. Арпа барги пояда қарама-қарши томонда навбат билан жойлашади. У барг қини ва барг шапалогидан иборатдир. Барг қинидан барг шапалогига ўтиш жойида юпқа пардача (лигула) – оғизча жойлашади, у пояга бирикиб турди ва сув ҳамда ҳашаротларнинг киришидан ҳимоялайди. Оғизча ёрқин яшилдан то бинафшарангача тусда бўлади, унинг узунлиги 1-5 мм ни ташкил этади. Барг шапалоги асосида учи билан бир-бирига ўтувчи шоҳсимон қулоқчалар шаклланади. Юқориги барг-байроқсимон бўлиб бутунлай беркитади. Баргларнинг узунлиги ва энг кенг чегарада фарқланади: узунлиги 8-25 см, эни 4-32 см. Баргларининг ранги турли яшил тусда бўлади. Уларнинг сони 4-7 та ни ташкил этади.

Бошоғи. Тўпгули – бошоқ бўлиб, буғимли ўзак ва бошоқчалардан иборат. Бошоқ ўзаги ясси, энсиз ёки кенг бўлади. Бошоқ ўзаги бўғимлари

ботигида учтадан бир гулли бошоқча жойлашди. Бошоқ ўзаги бүғимларининг узунлиги 2 мм дан 4 мм гача бўлади, шу сабабли бошоғи тифиз ёки ғовак бўлиши мумкин. Бошоқнинг тифизлиги 4 см узунликдаги бошоқча тўғри келадиган бошоқ ўзагидаги бўғимлар сони билан аниқланади. Ёввойи арпаларда пишиб етилганда бошоқ ўзаги бўғимлари тўкилиб кетади.

Бошоқча қобиқлари энсиз, кенг, тукли ёки силлиқ ва кўпинча қилтиқли бўлади. Ташқи гулқобиғи ҳамиша 5та томирга эга бўлади. Ташқи гул қобиқнинг юқориги қисми тишли ёки силлиқ қилтиқ билан тугайди. Фуркатли арпаларда қилтиқ ўрнида думча бўлади. Қилтиқлар доннинг тўлишида сезиларли таъсир кўрсатади, улар фотосинтез ва бошоқ қисмлари модда алмашинувида иштирок этади. Ички гул қобиғи бошоқ ўзагига бирикib туради, у икки хилли шаклга эга, тукли бўлиши ҳам мумкин, доимо қилтиқсиз. Лодикуласи турли шаклларга эга: юмалоқ, трапециясимон, баргсимон ва ҳоқазо. Агар лодикула йирик бўлса, очиқ типда гуллаж учун имконият бўлади. Арпа ёпиқ гуллаш типига эга ва у ўз ўзини чангловчи ҳисобланади, аммо очиқ типда гуллаши тўғрисида ҳам кўпгина маълумотлар мавжуд. Очиқ гуллаш асосан майда уругли арпаларда кузатилади. Чангчисининг ўлчами аксарият турларда 34-45 мм.

Дони. Дон – ғалладош экинларнинг меваси ҳисобланади. Маданий арпа донининг узунлиги 7-10 мм, эни 2-3 мм. 1000 донасининг вазни 31-52 г. Ҳозирги кунда 1000 донасининг вазни 60-65 г келадиган янги навлари мавжуд. Донининг шакли ромбсимон, чўзинчоқ, эллипсимон. Дон гул қобиқли ва ялангоч бўлади. Қорин томонида турли чукурлик ва энликдаги ботиги мавжуд. Донининг ранги ялангоч донли арпаларда қўйидагича: оқиш, ҳаво ранг, кўк, яшил, қўнғир, қорамтир-бинфшаранг, қора. Дон қўйидаги асосий қисмлардан иборат: мева қобиғи (перикарпий), уруғ қобиғи, эндосперм ва муртак. Перикарпий уруғчи деворидан шаклланади. Уруғ қобиғи эса уруғ қуртак қобиғидан ҳосил бўлади. Уруғ қобиғи остида алайрон қатlam жойлашади. Алайрон қатламишининг қалинлиги арпа турига кўра турлича бўлиши туркумлари тавсифида қайд этилган. Эндоспермнинг

марказий қисмида йирик донали крахмаллар жойлашади. Доннинг пастки қисмида муртак жойлашган. Муртак қалқонча, колеоптил билан беркитилган, куртакча ва муртак илдизчасидан иборат. Илдизчалар сони арпа тури ва етиштириш шароитига боғлиқ бўлади. Йирик донли гул қобиқли арпалар лаборатория шароитида 10 йилгача унувчанлиги сақлайди, бир йиллик ёввойилари – 7 йилгача, жуда майда уруғлари эса 2 йилгача унувчанлигини сақлайди. Арпа турларини ушбу кўрсаткич бўйича ўрганиш тиним даври ва уруғларнинг биологик унувчанлиги бўйича улар орасида катта тафовут борлигини кўрсатади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган ғаллачиликни илмий томондан ўрганиш хозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан бири хисобланади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қимматли хўжалик кўрсаткичлар мажмуасига эга, яъни эртапишар, хосилдор, ташқи муҳитнинг абиотик (қишлишга, совуққа, иссиққа, шўрга) чидамли навларни яратиб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш зарур. Бошланғич ашё сифатида эса Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станциясидаги арпанинг жаҳон коллекцияси муҳим аҳдмиятга эга. Булар ўз навбатида, турли шакллар хамда навлардан ташкил топган. Бунда сув билан кам таъминланган майдонлар шароитида мавжуд генофонддан унумли фойдаланилган ҳолда арпанинг экишга тавсия этилган навларида совуққа чидамли навлар яратиш учун бошлиғич ашё бўлиб хизмат қиласди.(Ўсаров З., Маматқуловлар Т. 2015й.)

Хозирги иқлим ўзгариши, яъни ноқулай об-хаво шароитида арпа хосилдорлигини ошириш муҳим ахамият касб этади.

Тажрибаларни жойлаштириш, фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар собиқ Бугуниттифок, ўсимликшунослик институти асосида (1983), нав ва намуналарнинг совуққа чидамлилик даражасини тирик ва нобуд бўлган ўсимликларни санаб чиқиш услуби асосида аниқланди.

2014—2015 кишлоқ хўжалик йили кўп йилликка нисбатан арпа экини учун жуда ноқулай келиши билан фарқланди. Куз фаслида (октябрь-ноябрь) 96.1

мм, қиши фаслида (декабрь, январь, февраль) 162.7 мм ёғингарчилнк булиши қайд этилди. Куз ойларида ёғин миқдори кўп йилликка нисбатан 44.0 мм кўп, қиши ойларида 15.3 мм, баҳор ойларида 53.0 мм кам бўлиши арпа майсаларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Баҳор ойларида, арпанинг найчалаш даврида (30—31 март ва 1 апрель кунлари) 11.2 мм қор, ёмғир ёғиши, хаво хароратининг минимум  $-19.0^{\circ}\text{C}$ , тупроқ харорати минимум  $8.5-9.5^{\circ}\text{C}$  оралиғида қаттиқ совуқ таъсирида усимликларнинг муз остида димиқиши сабабли арпа нав ва намуналарини совуққа чидамлилик даражасини табиий дала шароитида бахал а ш учун яхши имконият пайдо булди. Айниқса, сугориладиган майдонларда эгат ичида сув юрадиган, тупланадиган жойлардаги майсаларда заарланиш ва нобуд бўлиш кўпроқ кузатилди.

Ўсаров З., Маматқуловлар Т.лар (2015 й) ўзларининг изланишларда ИКАРДА дан янги келтирилган 103 та IBON-НІ (халқаро арпанинг конкурс нав синови) дунё намуналари андоза “Мавлоно”, “Қизилқўрғон” ва халқаро андоза Rihane-OЗ нави билан таққослаб ўрганилди.

Нав намуналарининг совуққа чидамлилик хусусиятлари р гурухларига ажратиш халқаро классификатор (1983) дан фойдаланилди.

Тажрибаларда урганилган арпа нав намуналарининг совуққа чидамлилиги, ота-она шаклида қайси намуналар катнашаётганлигига боғлиқ холда турлича булди. Жумладан, жуда паст ( $< 30\%$ ) чидамлилик хусусиятига 4 та ёки 4.49 %, паст 8 та ёки 8.99 %, Урта 40 та ёки 44.94 %, юқори 34 та ёки 38.20 %, жуда юқори ( $>90\%$ ) 3 та ёки 3.37 % намуналар булганлиги кузатилди.

Нав намуналарда совуқдан заарланиш холати майсаларнинг совуқ таъсиридан сакланиб колганини санаш йули билан аникланди.

Тажрибамиз давомида совуққа энг бардошли нав намунаси IBON-НІ-13—41 эканлигини кузатдик. Бунда совуққа чидамлилик даражаси 92.03 %ни ташкил килган булса, унинг халқаро андоза нав Rihane-OЗ дан фаркланиши эса  $+8.96\%$ , кузги андоза нав «Мавлонодан  $+2.00\%$ , факультатив типдаги (кузги ва

бахорги муддатларда экишга яроқли) андоза нав «Қизилқұрғон»дан +7.88 % ташкил этди. Дурагай тизмалар орасидан юқори күрсаткичга IBON-HI- 13-14, IBON-HI-13-61, IBON-HI-13-64, IBON-HI-13-98, IBON-HT-13-102 каби тизмаларда, совуққа чидамлилик хусусияти буйича 86.01 %дан 88.88 % ни ташкил этди. Бунда чидамлилик буйича фаркланиш кузги андоза нав “Мавлоно”дан 1.15 — 4.06 % паст, факультатив андоза нав “Қизилқұрғон” дан 1.86-4.73 % оралиқда қайд этилди.

Суғорма дехқончилик шароитида олиб борилған нав ва мураккаб дурагайларнинг совуққа бардошлилигини оширишда қаттик совуқ пайтида ўтказилған тажриба ва танлов ишларининг таъсири ижобий бўлди. Арпа нав намуналарининг баҳор ойларида найчалаш даврида, дала шароити табиий яратилған фонда олиб борилғанда юқори самара беради. Мазкур нав намуналари кам микдорда совуқдан заарланганлиги учун бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкин деб таъкидлайдилар Маматқулов Т., Ўсаров З лар (2015 й.) ўзларининг илмий изланишларида.

## **1.2. Кузг арпанинг биологик хусусиятлари**

Ривожланиш даври, униб чиқиши. Арпа уруғининг униб чиқиши учун ҳаво, сув ва иссиқлик талаб қиласи. Шу омиллар етарли бўлганда арпанинг уруғи 5-7 кунда униб чиқади. Агарда иссиқлик етарли бўлмаса уруғлар 15-20 кунда униб чиқа бошлайди. Уруғни униб чиқиши учун 48-65% сув қуруқ уруғ вазнига нисбатан талаб қиласи. 1-3 С 0да ҳам уруғни униб чиқанини кўзатиш мумкин лекин оптимал ҳарорат 18-25 С 0, максимал ҳарорат эса 28-30 С 0 ҳисобланади. Уруғни бир текис униб чиқишига куйидаги омилларнинг аҳамияти катта: сувни танқислиги, паст ҳарорат, тупроқни зичланиши, тупроқни қатқалоқлиги, хаддан ташқари намлиги ва уруғни чуқур кўмилиши. Униб чиқиш даврида уруғ куртак ва илдиз ҳосил бўлади. Илдиз тупроқка кириб боради, биринчи барг эса рангсиз юпка қобиқ билан қопланган, тупроқ устига кўтарилади. Майсаланиш даври асосан учта барг ҳосил бўлиши билан якунланади.

Тупланиш даври. Учта барг ҳосил бўлиши билан тупроқ устки қатламида поя бўғинлари ҳосил бўла бошлайди. Бу бўғиндан иккиламчи илдизлар ва қўшимча майсалар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган поялар сони тупланиш даражасини кўрсатади. Ҳосилдорликни ошишига ривожланиш шароитининг яхши келиши қўшимча пояларнинг асосий поядан салгина фарқ қилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бир ўсимликда поялар сони 1 дан 16 поягача учрайди, бу билан туп ҳосил бўлади. Тик турувчи, ёйилиб ўсуви ва оралик шакллари бўлади.(2)

Найчалаш даври. Бу даврда бўғин ораликлари узаяди ва бошоқ ҳосил бўла бошлайди. Униб чиққандан 4-6 хафта ўтгандан сўнг найчалаш даври бошланади

Ноқулай шароитда бу даврда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шу сабабли ўсимлик ҳосил тўзилиш аъзоларида ўсиш ва ривожланиши кечикади. Сув танқислиги, озиқ моддасини, ёргуликни етишмовчилиги донни камайишига олиб келади.

Бошоқланиш даври. Бошоқланиш даври энг юқори барг тилчасидан бошоқнинг 1/3 ёки S қисми пайдо бўлганда бошланади. Об-ҳаво иссиқ ва куроқ келганда барг тилchasидан бошоқ кўринмаслиги мумкин. Бу холат Ўзбекистоннинг лалмикор минтақасида 1980 йилда кузатилган.(2). Униб чиқиши ва бошоқ тортиш даври оралиги катта интервалда давом этади. Бу арпа навига ва табий географик шароитига боғлиқ. Ўртacha арпа узун кун шароитида тезроқ бошоқ тортади, қисқа кунли жанубий шароитга қараганда.

Гуллаш. Арпа ўзидан чангланадиган ўсимлик, гуллаш даври бошоқни барг тилчасида жойлашган пайтида бўлиб ўтади, бу эса бошоқ тортиш даври билан тўғри келади. Об-ҳаво иссиқ келса ёки кучли ёмгири ёғса гуллар чангланмайди, оқибатда дон ола бўлади ва 10-15% лалмикор ерларда кузатилган. Об-ҳавонинг ноқулай келиши ёппасига гуллаш ва қўшимча чангланиш холлари ҳам кузатилган.

Пишиш даври. Донни пишиши жараёни узоқ кечади. Донни шаклланиши 10-15 кундан кейин кечади. Бу давр сут пишиши даври ҳисобланади, бунда дон хали қум-күқ (хом), намлиги 60-80% ни ташкил этади.

Мум пишиш даврида ўсимлик сарғиши рангга киради, дони юмшоқ, тирнокда кесилади. Дон намлиги 25-30% ташкил этади. Бу даврда ўсимликда зарур биологик жараён кечади. Дон асосий ўсимликдан ажралади, озуқа оқими тўхтайди, муртак ўсишдан тўхтайди. Дон унувчанлигига эга бўлади. Мум пишиш даври шароитга қараб 7-15 кун давом этади. Бундан кейин тўлиқ пишиш даври бошланади. Дон қаттиқ пишади, шаклига, рангига ўлчамига ўз навига хос белгиларида эга бўлади. Бу даврда хосилни тезда йиғиб олиш талаб эталади, чунки баъзи навлар тукилади ёки ҳар ҳил сабабга кўра ётиб қолади.

Ўсиш ва ривожланиш даври муҳим биологик хусусиятларни: генотипини, навларни ўзгачалигини, атроф муҳитни таъсирини кўрсатадиган давр. Ўсиш даврининг амплитудаси 55-120 кунни ташкил этади.

Кузги ва баҳорги арпа. Кузги ва баҳорги арпа ташқи муҳит шароитига кўра табий ва сұнний танлаш оқибатида шаклланган. Арпанинг ёввой турлари қишки ва баҳорги шаклларидан иборат бўлган, шунинг учун ҳам табийики арпанинг ҳар ҳил шаклларининг бўлиши. Етиштирилаётган арпанинг кузги, яримкузги, баҳорги бўлиб бўлинади. Кузги ва яримкузги арпалар кузда экиласди, қишгача тупланиш даври кечади. Баҳорги шакллари дунё дехқончилигига кенг тарқалган. Бу арпалар шакллари кузда қиши фасли иллиқ келадиган худудларда экилиши қумумкин. Баъзи бир шакллар баҳорда экилганда кам ҳосил беради, шунинг учун бу шакллар асосан кузда экиб ўстирилади.

Қишига чидамлилиги. Кузги арпа биологик хусусиятларига кўра ўртacha чидамли қишига, шунинг учун арпанинг тарқалиш кенглиги, буғдойга қараганда торроқ. Арпа қиши даврида ер музлашидан нобут бўлмайди. Ўрта Осиёда арпа тупроқни қурқоқлигидан совуқка ўргана олмай нобуд бўлади. Ҳар ҳил минтақада ўсимликнинг нобуд бўлиш сабаби ҳар ҳил, яшаш

шароитига ва омилларга ҳамда навни хусусиятларига боғлиқ. Асосий таъсирчан тупланиш бўғини ҳисобланади. Тупланиш бўғини жарохатланиши ўсимликни нобуд бўлгани билан боравор.

Совуқка чидамлилиги. Баҳорда ўсиш ва ривожланиш даври бошланиши билан баъзида қаттиқ совуқ бўлиб туради. Бу эса ўсимликка катта заар етқазади, агарда ўсимлик совуқка чидамсиз бўлса, бу кўпинча баҳорги арпада учрайди. Совуқка чидамлилик арпанинг ўсиш ва ривожланиш даврига қараб ҳар ҳил бўлади. Энг муҳими биринчи баргни барг тилчасидан чиқмагани.

Қурғоқчиликка чидамлилиги. Ўзбекистонда етиштирилаётган арпа қурғоқчиликка чидамли шаклига киради. Қурғоқчиликка чидамлилиги унчалик аниқ эмас. Қурғоқчиликка чидамлилик ўсимликнинг ҳимоявий реакцияси, яшаш учун физикавий хусусиятидир.

Биохимик алоқада қурғоқчиликка чидамлилик оқсил ва нуклейин олмашинувига салбий таъсир этади. Қурғоқчиликка чидамли навларда оқсил моддасининг миқдори камаяди. Қурғоқчиликка чидамлилигини баҳолашда ривожланиш даврининг узунлиги, даврларнинг оралиғи муҳим аҳамиятга эга.

Тез пишарлик хусусияти қурғоқчиликдан қутилиш имконини беради. Шунинг учун тез пишар навларни яратиш жуда муҳим. Қурғоқчилик баъзида иссиқка чидамлилик билан боғлиқ. Бу ҳам ривожланиш даври билан боғлиқ. Найчалаш ва бошоқ тортиш даври энг критик давр ҳисобланади қурғоқчиликда. Иссиқликка чидамлиги бошоқ тортиш ва сут пишиш даври энг критик давр ҳисобланади.

Суғоришга талаби. Арпа қурғоқчиликка чидамли экин, шунинг учун асосан лалми ерларда, кам миқдорда суориладиган ерларда экиласди.

Ўзбекистонда арпа асосан лалми ерларда экиласди. қобиқсиз арпа сугориладиган ерда экиласди. Суғориш оркали арпадан юқори ҳосил олинади. Суғориш ўсимликни яхши ўсиб ривожланишига, баргларни сонини ортишига ўз хиссасини қушади, тупланишга ва дон сонини бошоқда ортишига олиб келади, лекин ётиб қолиши тезлашади. Сугорилганда тупланиши ва ҳосилдорлигини кўпайганини куриш мумкин лалмida эса бу билинмайди.

Қурғоқчиликка чидамлилигини ўрганиш натижасида олимлар арпа навларини 3 та турга бўлди.

1.Тури - юқори биологик хусусиятга эга-қурғоқчиликка чидамли ва суғоришга талабчан.

2. Тури - қурғоқчиликка чидамсиз, суғорганда юқори ҳосил берадиган .  
3.Тури - лалми дехқончилик- қурғоқчиликка чидамли ва суғориладиган ерларда унча аҳамиятли эмас.

Шўрланишга чидамлилиги. Арпа тупроқни шўрланишга юқори чидамлилик хусусиятига эга. Юқори шўрланиш ўсимлик танасида тузларни хаддан ташқари ортишига, озиқланиш ва сув режимини ўзгаришига умуман олганда маҳсулдорлигини камайтиради. Шўрланган тупроқларда майсалар кеч униб чиқади, ўсиш, ривожланиш даври қисқаради ва ҳамма ўсув жараёни ҳам. Бундай шароитда навларнинг шўрланишга бўлган муносабатини ўрганиш керак. Навларнинг шўрланишига бўлган муносабати бошланғич даврида ривожланиш маълум бўлади. Кузги арпада шўрланишга кам таъсирчанлиги маълум бўлди. Олимларимиз томонидан кўпқиррали шакли арпанинг шўрланишга чидамлилиги аниқланди, бу эса шўрланишга чидамли, юқори ҳосил берадиган истиқболли навларни яратишга имкон беради.

Ташқи муҳитга талаби.Тупроққа талаби. Бу кўрсаткичи билан арпа буғдойга якин келади, лекин тупроқнинг ҳамма турларида экиб етиштириш мумкин. Бироқ кислоталиги юқори, қуруқ, қумли ва торфли тупроқлар яроқсиз. Арпа тупроқ муҳитига жуда таъсирчан. Муқобил муҳит pH-6-7, pH-3,5 бўлганда арпа қўкармайди.

Озиқага талаби. Донли экинлар ичида арпа экини озиқ моддасини эрта, найчалаш давридан бошлаб талаб қиласди. Бу даврда арпа 2/3 калий ва 46% фосфор, гуллаш даврида эса 85% озиқ модда талаб қиласди. Ўртacha 1 ц дон учун азот 1-1,5 кг , фосфор 0,6-1 кг, калий-0,4 кг сарф бўлади.Арпа азотни ўғитларга жуда талабчан бўлади. Азотли ўғит белгиланган меъёрда берилганда ҳосилдорликни олишиша ва оқсилини 0,3-0,6% га ортишига олиб келади. Бу эса пиво пиширишда ишлатиладиган арпалар учун жуда

муҳим. Пиво пишириш саноатида ишлатиладиган арпанинг сифатини оширишда фосфорли ва калийли ўғитларнинг аҳамияти катта.

Сувга бўлган талаби. Арпа қурғоқчиликка чидамли экин, сувнинг энг кўп микдорини найчалаш даврида ва бошоқланишда талаб қиласди. Сув танқислиги шу даврларда ҳосилдорликни сезиларли даражада камайишига олиб келади. Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида бу холат кузатилган. Сувнинг етишмаслиги пишиш даврида озиқ модданинг донга келишини тўхташига доннинг пуч бўлишига олиб келади.

Иссиқликка бўлган талаби. Арпанинг уруғи 1-2 С 0 да уна бошлайди. Лекин 15-20 С 0 уруғнинг нормал униб чиқиши учун энг оптималь ҳарорат ҳисобланади. Уруғни униб чиқиш даври учун 100 С 0 энг самарали ҳарорат йиғиндиси ҳисобланади. Арпа майсалари 3-4 С 0 совукка ҳам чидайди. Лекин бунда барглари нобуд бўлади, тупланиш бўгини шикастланмайди. Чангчилари-1 С 0 да, бўғинчаси-1,5 –4 С 0 совукда нобуд бўлади. Дон 16% намликда жуда паст ҳароратга чидайди ва унувчанлигини сақлаб қолади. Арпа бошоқланиш ва пишиб етилиш даврида иссиқликка талабчан бўлади.

## П. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

### 2.1. Тупроқ-иқлим шароити

Вилоятимизнинг кўпчилик қисмини оч тусли бўз ва ўтлоқи бўз тупроқлар ташкил этиб, қолган қисми шўрхак тупроқлардан иборатдир. Олиб борилган кўп йиллик кузатишларга асосан вилоятда ер ости сувининг чуқурлиги 1 метрдан бошланиб 3 – 5 метр чуқурликда жойлашган. Ер ости сувларининг минераллашув даражасига кўра жуда хилма – хилдир. Агарда Сирдарё конусининг пастки қсмида сизот сувларининг минераллашуви ҳар литрда 3 граммни ташкил этса, Сардоба ва Шўрузак Марказий коллекторлари оралиғидаги пастқамликларда уларнинг минераллашуви ҳар литрда 4 - 19 грамм атрофида бўлиши кузатилган.

Вилоят бўйича Сирдарё, Гулистон, Сайхунобод, Оқ олтин ва Боёвут туманларида тупроқларнинг кўпчилик қисми кучсиз ва ўртача шўрланган. Янгидан ўзлаштирилган Мирзаобод, Сардоба ва Ховос туманларида кучли шўрланган тупроқлар катта майдонни эгаллайди. Бу майдонларда гипс қатлами қалин ва ер устига яқин бўлганлиги сабабли, ер ости сизот сувлари 0,4 - 1 метр чуқурликда жойлашган. Шунинг учун ҳам бу тупроқлар мелиоратив жиҳатдан ўзлаштириш қийин ҳисобланади, бундай тупроқларнинг сув сингдириш қобилияти жуда суст блиб, суткасига 0,1 - 0,01 метрни ташкил этади.

**Оч тусли бўз тупроқлар** вилоятнинг асосий майдонларини ташкил этади. Бу тупроқларда ўзлаштириш муддатларига, дехқончилик маданиятига кўра:

1 кг тупроқда чиринди миқдори 0,5 - 1,0 фоиз, азот 0,05 - 0,09 фоиз, фосфор 0,05 - 0,2 фонз, калий 2 - 2,5 фоизни ташкил этади.

Бундай тупроқлар механик таркибига кўра бир - биридан катта фарқланиб, асосан енгил - ўрта қумоқ ҳисобланиб, оғир қумоққа ўтувчан

бўлиб, йирик заррачали, ўрта қумоқ тупроқни ташкил этади. Бу тупроқларда йирик фракцияли заррачалар 45 – 50 %, чанг заррачалар 30 – 40 % бўлиб, қолган қисми лой фракцияли заррачалардан иборатdir.

Тупроқ сингдириш таркибига кўра, тулигича ишқорий – ер асосини ташкил этади. Тупроқ қатламлари чукурлашиб борган сари унинг сингдириш комплексида натрий миқдори ортиб боради. Тупроқ таркибида: СО<sub>2</sub>кўп (устки қатламда 6 - 7, пастки қатламда (10 - 11 % гача) бўлиши тупроқнинг юқори агрегатлигини таъминлайди. Бошқа томондан тупроқ таркибида чиринди миқдорининг кам бўлиши ва органик моддаларнинг жуда актив парчаланиши йирик (0,25 мм) тупроқ заррачалари ҳосил бўлишига, тўсқинлик қиласи. Бу тупроқларда йирик заррачалар атиги 3,5 - 5,5 фоизни ташкил этиб, 30 - 40 фоизи эса 0,2 - 0,02 мм бўлган заррачаларга тўғри келади.

Шунинг учун ҳам оч тусли бўз тупроқлар майин структурали ҳисобланади. Оч тусли бўз тупроқлар қулай физик хусусиятларга эгадир, яъни тупроқ қатламиининг 45 - 55 фоизини ҳажм оғирлиги бир сантиметрга 1,3 - 1,4 граммни ташкил қилиб капиляр ғоваклик эса 32-38 % атрофида бўлади. Бундай тупроқларда энг кам (НВ) дала нам сифими 20-22 % бўлади.

**Ўтлоқи бўз тупроқлар** вилоятда 175,3 минг гектарни ишғол қиласи. Бу майдондаги тупроқлар эскидан ўзлаштирилган минтақаларда тарқалган бўлиб, ўртача даражада маданийлашган ҳисобланади. Ўтлоқи бўз тупроқларда ҳайдов қатламиининг ҳар килограмм қуритилган тупроғидаги чиринди миқдори 0,5 - 1,5%, азот 0,07 - 0,12 % атрофида бўлади. Бу тупроқлар ўзларининг механик таркибига кўра ўрта қумоқ ҳисобланади.

**Ўтлоқи тупроқлар** - вилоятимизнинг барча туманларида тарқалган бўлиб, 102,8 минг гектар майдонни эгаллайди. Бу тупроқлар ўзларининг гидрогеологик келиб чиқишига кўра алоҳида хусусиятларга эгадир. Ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида чиринди миқдори 1 - 2 %, азот 0,07 - 0,10 %, фосфор 0,1 - 0,2 %, калий эса 2,2 - 2,5 % ни ташкил этади.

Бундай майдонларда ер ости сувлари ер юзасига нисбатан жуда яқин

жойлашган бўлиб, 1 – 2 м баъзи жойларда эса 0,5 - 1 метр чуқурлиқда бўлади.

Тупроқ ўзининг механик таркибига кўра ўрта қумоқ бўлиб, 0,5 метрқатламдан бошлиб оғир қумоққа, сўнгра ўрта ва енгил қумоққа айланиб боради. Бундай тупроқларнинг катта қисми Сирдарёнинг биринчи ва иккинчи террасса минтақасида тарқалган бўлиб, бу майдонларга асосан Сирдарё, Сайхунобод туманлари ҳамда Гулистон туманининг бир қисми киради

Тажриба ўтказилган майдоннинг тупроқ таркиби (2.1.1–жадвал)да кўрсатилган.

## **2.2. Тажриба услуби**

Тажрибада арпанинг “Болғали” нави назорат нав сифатида ўрганилиб, янги истиқболли навлардан “Маҳсулдор”, “Сайхун”, “Сирдарё”, “Новосадски – 565” ва “Новосадски – 525” навлари таққослаб ўрганилди. Сирдарё вилоятининг ўртacha шўрланган тупроқ – иқлим шароитларида тадқиқ этилди ҳамда арпа навларининг ўсиши, ривожланиши, биометрик кўрсаткичлари ўрганилди.

Ҳар бир нав 4 қатордан  $\times$  0,7 метр(пушта) = 2,8 метр эннилиқда  $\times$  6 та нав = 16,8 метр эннилиқда бир қаторга жойлаштирилди; 2,8 метр  $\times$  15 метр узунликдаги бўлакларда экилди =  $42 \text{ m}^2$  - бу битта тақрорланиш юзаси. Дала тажрибасида арпа навлари 3 рендамезли тақрорланишда жойлаштирилди. Битта нав учта тақрорланишда жойлаштирилганда, битта нав экилган майдон юзаси  $42 \text{ m}^2 \times 3$  тақрорланиш =  $126 \text{ m}^2$  ни ташкил этди. Тажрибада 6 та арпа навлари ҳар бири шунча майдонга экилганда, яъни - 6 та нав  $\times 126 \text{ m}^2$  = жами  $756 \text{ m}^2$  ни ташкил этди.

Экинларни етиштиришда олимлар томонидан ишлаб чиқилган тавсияномаларда белгиланган экиш меъёрлари, муддатлари бўйича экилган ва етиштирилган бўлиб, оралиқ ҳисобот ишини ёзишда арпа навлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлик кўрсаткичларига тўхталиб ўтамиз.

Арпани озиқлантиришда азотли ўғитлардан аммиакли селитра (34 % N),

фосфорли ўғитлардан аммофос (12 % N; 46 % P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>), калийли ўғитлардан калий тузи (54 % K<sub>2</sub>O) ишлатилди. Кузги буғдойда маъдан ўғитларни қўллаш меъёрлари ва муддатлари 2.3.2. – жадвалда келтирилган.

Тажрибада қуйидаги фенологик кузатишлар, хисоблашлар, лаборатория таҳлиллари олиб борилди:

1. Доннинг униб чиқиш даражаси тажриба такрорланишларининг барча вариантиларида кузатилди;
2. Майсалар сони, кўчат қалинлиги 1 м<sup>2</sup> да барча вариантиларининг 3 нуқтасида аниқланди;
3. Фенологик кузатувлар – униб чиқиш – майсалаш;
  - тупланиш;
  - найчалаш;
  - бошоқлаш;
  - гуллаш;
  - пишиш (сут, мум, тўлик) даврлари – хисобли ўсимликларда олиб борилди;
4. Кузги арпанинг:
  - туплар сони;
  - умумий поялар сони;
  - маҳсулдор поялар сони тажрибанинг барча вариантиларининг 3 нуқтасида 1 м<sup>2</sup>майдонда кузатилди;
5. Ҳар бир вариантда 90 та ўсимликда қуйидагилар аниқланди:
  - кузги арпа поя баландлиги (найчалаш, бошоқлаш ва тўлик пишиш даврларида);
  - бошоқ узунлиги (тўлик пишиш даврида);
  - битта бошоқдаги дон сони; битта бошоқдаги дон оғирлиги;
  - 1000 дона дон оғирлиги;
7. Ҳосилни йигишиши даврида тажрибадаги барча вариантилар такрорлашларининг 3 нуқтасидан 1 м<sup>2</sup> даги арпа нав намуналари ўриб олиниб, ундаги донлар янчилди ва тарозида тортиш йўли билан дон ва сомон ҳосилдорлиги хисоблаш ишлари давом эттирилмоқда;

8. Мақбул варианлар ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

### **2.3. Арпа навлари тавсифи**

Афросиёб – Самарқнд қишлоқ хўжалик институтида яратилган. 1990 йилдан Сурхандарё вилояти сұғориладиган ерларида туманлаштирилган. Паллидиум. Бошоғи тўрт қирави. 1000 та дон массаси 32,8 г. Ўрта тезпишар, ўсув даври 192 кун. Узун ДНУ, ўртача ҳосилдорлиги 57,2 ц/га бўлган.

Темур – Сам ҚХИ да яратилган. Паллидиум тур хилига мансуб. Дуварак. Эртапишар. 1000 дона дон вазни 42-45 г. Бўйи 100-110 см. Донида оқсил 13-14 фоиз. Ҳосилдорлиги 80-90 ц/га. 1991 йилдан сұғориладиган ерлар учун Давлат реестрига киритилган.

Мароканд – Тур хили нутанс. Биологик кузги нав. Бошоғи икки қаторли. 1000 дона дон массаси 40-45г. Тезпишар, совуққа, каалликларга бардошли. Ҳосилдорлиги 60-70 ц/га.

Айқар- 1992 йилдан Республиканинг сұғориладиган эрларида кузги экиш муддатида, Давлат реестирига киритилган. Биологик кузги. Паллидум турхилига мансуб. Бошоғи олти қаторли, тўғри бурчакли, ўртача узунликда ва зичликда. Бошоқ қипиғи тор, кучсиз ривожланган. Гул қипиғининг қилтиқга айланиши секин аста. Қилтиғи ўртача узунликда, бошоқга жипслашган, ўртача катталиқда. Дони ўртача катталиқда, чўзинчоқ-ромбасимон, бинафша рангли, туки қисқа тўлқинли.

Ўрта ертапишар, ўсув даври 190-220 кун. Ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, ўртача 3.7-4.7 балл. Ўртача ҳосилдорлиги 42-50 с/га.

Болғали - 1996 йилдан Республиканинг сұғориладиган эрларида кузги экиш муддатида Давлат реестирига киритилган. Биологик кузги. Нутанс турхилига мансуб. Бошоғи икки қаторли, оч -сариқ, ўртача узунликда, бошоқ қипиғи тор ва кучсиз ривожланган. Қилтиғи сариқ, ўртача узунликда ва дағалликда. Дони ўртача катталиқда, дўмалоқ - еллиптик шаклда, оч сариқ, 1000 та донининг вазни 40 -42.8 г. Ўртапишар, ўсув даври 190-194 кун. Ўртача ҳосилдорлик шахобчаларида 36.0-46.3 с/га ҳосил олинди.

Унумли арпа - 1956 йилдан Республиканиң лалмикор эрларида Хоразм вилоятидан ташқари, кузги ва баҳорги экиш муддатларида Давлат реестирига киритилган. Дувврак(биологик баҳорги). Нутанс турхилига мансуб. Бошоғи икки қаторли, тўқ сарик рангли, қилтиғи тишсимон, дони пленкасимон, йирик. 1000 та донининг вазни 48.6-60.0 г. Ўртача дон ҳосилдорлиги 19.2-20.4 с/га.

Гулноз –Ўзбекистон дончилик ИИТ.Муаллифлар: Мухамедов Ж.М. Расулов Р.Р., Мирзаев Ҳ. 1997 йилдан Андижон, Жиззах, Самарканд, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг сугориладиган эрларидав пиво ишлаб чиқариш мақсадида Давлар реестрига киритилган. Дувваврак нав. Нутанс турхилига мансуб. Бошоғи икки қаторли, оч сарик, тўғноғиҳимон, ўртача узунликда. Тўла пишиш даврида бошоғи эгилади.Бошоқ қипиғи тишсимон, ўртача узунликда ва дағалликда. Дони ўртача катталиқда, тухумсимон, сарик, 1000 та донининг вазни 43-45 г. Нон ҳажми 640 г. Ўртапишар, амал даври 185-192 кун. Ўртача дон ҳосилдорлиги 44 с/га ни ташкил қиласи. Нав ётиб қолиш ва тўқилишга бардошли-5,0 балл. Қишига чидамлилиги ўртача. Навнинг озуқабоплик хусусияти яхши, оқсил миқдори 10,0-11,5%. Касалликлар ва заарқунандалар билан заарланиши 10,0-15,0%.

